

“ТОШЛОҚ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар
Мустакиллик кўчаси 312-уй

2023 йил 27 июнь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Фарғона шаҳар Мустакиллик кўчаси 312-уй
“Тошлоқ пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиши бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 4 485 248 донани ташкил этади.

“Тошлоқ пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2023 йил 2 июндаги 28-сонли таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгаши қарорига мувофиқ 2023 йил 27 июнь куни ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2023 йил 5 июнь.

Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис А.Махсумов йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Юлдашев Бобуржон Аҳмаджонович – “Фарғонапахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси;
2. Акрамов Ёркин Толибжонович – жамият акциядори, “Тошлоқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси;
3. Анназарова Шахсанам Абдуллаевна - “Тошлоқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб Б.Юлдашев ва йиғилиш котиби этиб А.Махсумов сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини кутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Г.Каримжановага берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2023 йил 21 июнь ҳолатига шакллантирилган “Тошлоқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 649 та акциядорга тегишли **4 485 248** дон акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда **3 525 653** дон овоз берувчи акцияларга эга бўлган 3 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **78,6 %** ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Ш.Мирзаев–жамият Бош директори в.в.б;

М.Хамидов –жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2022 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг ташқи аудиторининг 2022 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
8. 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият ижро органи ходимларнинг штатлар жадвалини тасдиқлаш.
12. Жамиятда 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
13. Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш.
14. Жамият балансидаги мавжуд бўлган уй жойларни белгиланган тартибда, жамиятнинг ижро органи томонидан олди-сотди шартномасига асосан фуқароларга сотиш чораларини кўриш.
15. Жамият омборидаги мавжуд товар моддий бойликларини ва ихтиёт қисмларни баҳолатиб, сотиш масаласини кўриб чиқиш. Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкидлади.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2023 йил 5 июндаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси – А.Маҳсумов, Жамият ҳисобчиси – Г.Каримжанова, Жамият бош ҳисобчиси – М.Ҳамидовлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 3 525 653 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:
 - 1) А.Махсумов;
 - 2) Г.Каримжанова;
 - 3) М.Хамидов.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича жамият Бош директори в.в.б. Ш.Мирзаев сўзга чиқиб, ижроия органи раҳбарининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директор в.в.б. Ш.Мирзаевга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан бош директорнинг 2022 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (100%) 3 525 653 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2022 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи 1 илова мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият молиявий масалалар бўйича директори-бош бухгалтери М.Хамидов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари билан таништирди (йиллик ҳисобот илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан жамиятнинг 2022 йиллик ҳисоботини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (100%) 3 525 653 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича “ТТТ AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори М.Ботиров сўзга чиқиб, жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2023 йил 30 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

“ТТТ AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосаларида “Тошлоқ пахта тозалаш” АЖнинг 2022 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Халқаро стандартларга мувофиқ келади.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “ТТТ AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 30 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 3 525 653 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “ТТТ AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2022 молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2023 йил 30 апрелдаги Миллий стандартлар ҳамда 2023 йил 30 майдаги Халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича жамият кузатув кенгаши аъзоси Б.Юлдашев сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 3 525 653 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзни жамиятнинг бош ҳисобчиси М.Хамидовга берди.

М.Хамидов ўз сўзида йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала юзасидан, 2022 йил якуни бўйича соф фойда (зарар) ҳақида атрофлича тушунтириш берди.

Жамиятнинг захира фонди белгиланган миқдорда шаклланганлигини инобатга олган ҳолда, эски йилларнинг соф фойдасидан акцияларни кейинги чиқарилишларда инобатга олинган маблағ 78 784 356 сўм, 2022 йил якуни бўйича олинган

2 718 207 858 сўм зарари. Ушбу зарарни умумий йиғилишга қуйидагича қоплашни таклиф этамиз:

- 2021 йил якунидан тақсимланмасдан қолдирилган 78 784 356 сўм хисобидан копланишига;

- 2023 йил 01 январ ҳолатига бухгалтерия балансида 480 сатрадаги резерв капиталида кўрсатилган 818 942 421 сўм хисобидан;

- қолган 1 820 481 081 сўм маблағ келгуси йиллар соф фойдасидан қоплаш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 3 525 653 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

Жамиятнинг захира фонди белгиланган миқдорда шаклланганлигини инобатга олган ҳолда, эски йилларнинг соф фойдасидан акцияларни кейинги чиқарилишларда инобатга олинган маблағ 78 784 356 сўм 2022 йил якуни бўйича олинган 2 718 207 858 сўм зарари. Ушбу зарар қуйидагилар хисобидан қоплансин:

- 2021 йил якунидан тақсимланмасдан қолдирилган 78 784 356 сўм хисобидан;

- 2023 йил 01 январ ҳолатига бухгалтерия балансида 480-сатрадаги резерв капитали кўрсатилган 818 942 421 сўм хисобидан;

- қолган 1 820 481 081 сўм маблағ келгуси йиллар соф фойдасидан хисобидан.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзга чиқиб, жамият бош директори Ш.Мирзаевнинг ваколати тугаганлиги, жамият бош директори лавозимига номзод тайинлаш масаласини кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтди ва жамият бош директори Ш.Мирзаев 2022 йилдаги фаолияти, бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши яхши йўлга қўйилганлиги, “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа офиси ҳамда “Фарғонапахтасаноат” ХАБ топшириқлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилганлигини инобатга олиб, Мирзаев Шерзоджон Ибойдиллаевич билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини бир йилга узайтириш масаласини йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига киритди, ҳамда акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради. Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги бешинчи масала овозга қўйилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 3 525 653 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “Тошлоқ пахта тозалаш” АЖ Бош директори Мирзаев Шерзоджон Ибойдиллаевич билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилсин.

2. Жамият номидан Бош директор Мирзаев Шерзоджон Ибойдиллаевич билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати – 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатов кенгаши раисига берилсин.

3. Жамият Бош директори Ш.Мирзаевга:

- ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ваколат ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;

- “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа офиси ҳамда “Фарғонапахтасаноат” ХАБ томонидан бажарилиши белгиланган буйруқ ва топшириқларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибдаги саккизинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори М.Ҳамидов сўзга чиқиб, жамиятда 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Жамиятга қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар келиб тушган.

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси	Миллий стандартлар бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)	Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)
1	“FINANCE AUDIT” МЧЖ	24.05.2023й. №14	20 000,0	
2	“AKADEMIK AUDIT” МЧЖ	24.05.2023 йил №23	18 000,0	
3	“ТТТ- Аудит” МЧЖ	24.05.2023 йил № 88 МБ	10 500,0	
4	“GREAT FOURS” МЧЖ	17. 05. 2023 йил №35/2	11 500.0	

Муҳокама давомида жамият акциядори Ё.Акрамов жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига асосан аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет етти йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас.

Юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари кет-кет 7 (етти) йилдан ортиқ жамиятни аудиторлик текширувидан ўтказмаган.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга

мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

№	Аудиторлик ташкилоти номи	ёқлаб	қарши	бетараф
1	“FINANCE AUDIT” МЧЖ миллий стандарт бўйича - 20 000,0 минг	0	0	0
2	“AKADEMIK AUDIT” МЧЖ миллий стандарт бўйича – 18 000,0 минг сўм.	0	0	0
3	“ТТТ- Аудит” МЧЖ миллий стандарт бўйича - 10 500,0 минг сўм, Халқаро стандарт бўйича -11 000,0 минг сўм.	3525653 (100.0%)	0	0
4	“GREAT FOURS” МЧЖ миллий стандарт бўйича -11 500,0 минг сўм.	0	0	0

Кун тартибидаги саккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:

- Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “ТТТ- Аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори 10 500,0 минг сўм белгилансин;

- Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “ТТТ- Аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори 11 000,0 минг сўм белгилансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

- қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ҳамда хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича жамият молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи М.Хамидовга сўз берилди у ўз сўзида йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (бизнес-режа илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 3 525 653 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси 2 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 2 287 472 дона акция эгаси “Фарғонапахтасаноат” ХАБ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан Махкамов Абдухалим Саттарович - "Фарғонапахтасаноат" ХАБ тугатиш комиссияси раиси, Фармонов Бахтиёр Баходирович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари, Сирожитдинов Хабиб Камилович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқарма бошлиғи, Мирзаев Баҳромжон Баходирович - Ўзпахтасаноат" АЖ тугатиш Лойиха офиси бўлим бошлиғи, Мўминов Лазиз Ўрмонович - "Фарғонапахтасаноат" ХАБ тугатиш комиссия аъзоси номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун тавсия этилган.

Жамият акциядорлари яъни 319 344 дона акция эгаси Анназарова Шахсанам Абдуллаевна, 601 408 дона акция эгаси Акрамов Ёркин Толибжонович берган аризаларига асосан номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун тавсия этилиб кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

Кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун тавсия этилган номзодлар

Махкамов Абдухалим Саттарович:

“Ёклаганлар” – 3 202 461 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Фармонов Бахтиёр Баходирович:

“Ёклаганлар” – 3 202 461 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Сирожитдинов Хабиб Камилович:

“Ёклаганлар” – 3 202 461 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Мирзаев Баҳромжон Баходирович:

“Ёклаганлар” – 3 202 461 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Мўминов Лазиз Ўрмонович:

“Ёклаганлар” – 3 202 461 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Анназарова Шахсанам Абдуллаевна:

“Ёклаганлар” – 4 496 576 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ

Акрамов Ёркин Толибжонович:

“Ёклаганлар” – 4 209 856 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. Махкамов Абдухалим Саттарович - "Фарғонапахтасаноат" ХАБ тугатиш комиссияси раиси;

2. Фармонов Бахтиёр Баходирович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари;

3. Сирожитдинов Хабиб Камилович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқарма бошлиғи;
4. Мирзаев Бахромжон Баходирович - "Ўзпахтасаноат" АЖ тугатиш лойиха офиси бўлим бошлиғи;
5. Мўминов Лазиз Ўрмонович - "Фарғонапахтасаноат" ХАБ тугатиш комиссия аъзоси;
6. Анназарова Шахсанам Абдуллаевна – акциядор;
7. Акрамов Ёркин Толибжонович – акциядор.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича Жамият Бош директори Ш.Мирзаев сўз олди ва йиғилиш қатнашчиларини "Ўзпахтасаноат" АЖ тугатиш Лойиха офисининг 2023 йил 22 майдаги SX-09/320-сонли мурожаати билан таништирди.

Мурожаатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 мартдаги "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4633-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 14 майда тасдиқланган "Ўзпахтасаноат" АЖ ни тугатиш бўйича "Йўл харитаси"га асосан "Ўзпахтасаноат" АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарнинг кўчмас мулк, акция пакетлари, улушларини белгиланган тартибда оммавий савдоларда сотиш ва жамиятни тугатиш ишлари амалга оширилаётганлигини инобатга олиб, жамият ташкилий тузилмаси ва штат жадвали лойихалари тавсия сифатида юборилаётганлиги айтилган.

Шундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
"Ёқлаганлар" – (100%) 3 525 653 та овоз; "Қаршилар" – йўқ; "Бетарафлар" – йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвали 3 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзни жамият бош директори Ш.Мирзаев сўз берди.

Ш.Мирзаев жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш – "ISHONCH LTD" МЧЖ томонидан ўтказилганлиги маълум қилиниб, ушбу ташкилотнинг 2023 йил 12 июндаги №22-сонли хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди. Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимида камчилар аниқланган ва жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси 12 балга баҳоланган, яъни "қониқарли" деб эътироф этилган (хулоса илова қилинади).

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев, корпоратив бошқарув қлдексига асосан жамиятнинг ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш ижроия органи зиммасига юклатилганлиги ҳақида маълумот берди.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорларга жамиятда 2022 йил якуни бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хулосани маълумот учун қабул қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – (100%) 3 525 653 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятда 2022 йил якуни бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “ISHONCH LTD” МЧЖнинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-2022 якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин ва жамият кузатув кенгашига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилган чора-тадбирларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзга чиқиб, акциядорларни жамият ижроия органи томонидан тайёрланган жамиятнинг янги тахрирда Устави билан таништирди ва тасдиқлаш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – (100%) 3 525 653 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг янги тахридаги Устави тасдиқлансин.

2. Жамият ижро органи раҳбарига:

-конунчиликда белгиланган муддат ва тартибда жамиятнинг янги тахридаги Уставини давлат рўйхатидан ўтқазилишини таъминласин.

-жамиятнинг янги тахридаги Устави жамият фаолиятига татбиқ этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзни жамият бош хисобчи М.Хамидовга берди.

М.Хамидов ўз сўзида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сонли ҳамда 2019 йил 26 ноябрдаги 955-сонли қарорларига асосан “Тошлоқ пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли пахта қабул қилиш масканларини 5 йил муддатда тўлаш шarti билан “Farg’ona Global Textile” МЧЖ ва “Expo Kollor Prin Teks” МЧЖга сотиш белгиланган.

Юқоридаги қарорларга мувофиқ жамият тугатилаётганлиги муносабати билан, жамият балансидаги мавжуд Тошлоқ шаҳарчаси Т.Дадажонов кўчаси №3 уй 14-хонадон, Тошлоқ шаҳарчаси А.Навоий кўчаси №4 уй 11-хонадон, Тошлоқ шаҳарчаси Дўстлик кўчаси №11 уй 5-хонадон, Тошлоқ шаҳарчаси 8а уй 16-хонадон, Тошлоқ шаҳарчаси Навоий кўчаси №2 уй 9-хонадон, Тошлоқ шаҳарчаси Тошлоқ кўчаси №8а уй 12-хонадон, Фарғона шаҳар Янги аср кўчаси №84 уй 80-хонадонларни мустақил баҳолаш ташкилоти

томонидан баҳоланган қийматда олди-сотди шартномасига асосан яшаб келаётган фуқароларга хусусийлаштириш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 3 525 653 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

Жамият балансидаги мавжуд:

1. Тошлок шаҳарчаси Т.Дадажонов кўчаси №3 уй 14-хонадон,
2. Тошлок шаҳарчаси А.Навоий кўчаси №4 уй 11-хонадон,
3. Тошлок шаҳарчаси Дўстлик кўчаси №11 уй 5-хонадон,
4. Тошлок шаҳарчаси Тошлок кучаси 8а уй 16-хонадон,
5. Тошлок шаҳарчаси Навоий кўчаси №2 уй 9-хонадон,
6. Тошлок шаҳарчаси Тошлок кўчаси №8а уй 12-хонадон,
7. Фарғона шаҳар Янги аср кўчаси №84 уй 80-хонадонлар шу кунгача ушбу хонаданларда яшаб келаётган фуқароларга мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан баҳоланган қийматда олди-сотди шартномасига асосан хусусийлаштирилсин.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича Жамият Бош директори Ш.Мирзаев сўзга чиқиб, жамият омборида мавжуд товар моддий бойликларини ва эҳтиёт қисмларини бугунги кундаги бозор қийматини аниқлаш ва сотишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 3 525 653 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг жамият омборида мавжуд товар моддий бойликларини ва эҳтиёт қисмларни мустақил баҳоловчи ташкилотлари томонидан қайта баҳолатиб, ҳозирги даврдаги бозор қиймати аниқлансин ва сотилсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:



Б.Юлдашев

Йиғилиш котиби:



А.Махсумов

Йиғилиш баённомаси 2023 йил _____ июл куни икки нусхада тузилди.